

5 – SON / 2023 - YIL / 15 - YANVAR

ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК
ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОХИЯТИ

Кобилов Шухрат Рўзиевич

Тошкент вилояти юридик техникуми

“Оммавий ҳуқуқий фанлар” кафедра мудири, юридик фанлар номзоди

+998 99 062 83 02

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда экология муаммосининг долзарбилиги ва унинг аҳамияти, экология тартиб таомилини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси ва жавобгарлик масалалари бўйича олимларни турли хил қараашлари, шунингдек экология муаммосининг келтириб чиқарувчи омиллар атрофлича мұхокама етилиб уларни бартараф этиши юзасидан асослантирилган таклифлар илгари сурилган.

Аннотация: в данной статье рассматриваются актуальность экологической проблемы на сегодняшний день и ее значение, понятие юридической ответственности за нарушение экологического порядка и различные взгляды ученых на вопросы ответственности, а также факторы, порождающие экологическую проблему. подробно и обоснованно выдвигаются предложения по их устранению.

Abstract: in this article, the relevance of the ecological problem today and its importance, the concept of legal responsibility for the violation of the ecological order and different views of scientists on the responsibility issues, as well as the factors causing the ecological problem are discussed in detail and justified proposals are put forward for their elimination.

Kalit so`zlar: ekologik muammo, yuridik javobgarlik, iqtisodiy javobgarlik, huquqiy javobgarlik, retrospektiv javobgarlik.

Ключевые слова: экологическая проблема, юридическая ответственность, экономическая ответственность, юридическая ответственность, обратная ответственность.

Key words: ecological problem, legal responsibility, economic responsibility, legal responsibility, retrospective responsibility.

Экология муаммоси давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Унинг хафи хатто ядро хавф-хатаридан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, бутун ер шари ҳалқларини ташвишга солмоқда.

“Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният. Мамлакатимиз аҳолиси деб ёзади И.Каримов – жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳқум этиш билан баробардир”.

Атроф табиий мухитни ифлослантириш табиий ресурларни ишдан чиқариш, экотизимдаги экологик алоқаларни бузиш глобал муаммо бўлиб қолди. Агар

инсоният ҳозирги тараққиёт йўлидан боришни давом эттиrsa унинг ҳалокати 2-3 авлод яшаб ўтгандан сўнг юз бериши эҳтимлдан ҳоли эмас.

“Экология ҳозирги замоннинг кенг миқиёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”.

Атроф табиий мұхитни кўп жиҳатдан экологик ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб бўлиб, улар оғир салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси табиатни мұхофаза қилиш Давлат қўмитасининг маълумотига кўра, 2000 йилда экология қонунчилигини бузганликучун Республика бўйича маъмурий жавобгарликка 9508 киши тортилиб, улардан 2 416 99,12 сўм миқдорида жарима ундирилган, жиноий жавобгарликка 6 киши тортилган, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка 2049 киши тортилиб, улардан 5 189 167,8 сўм миқдорида тавон пули ундирилган.

Экологик ҳуқуқбузарликлар атроф табиий мұхитнинг издан чиқишига, ундағы мувозанатнинг бузилишига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг қирилиб кетишига айникса улар ноёб турларининг йўқолиб кетишига, одамларнинг оммавий касалланиши, ўртача умур кўришининг камайишига, инсон организимида модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ янгидан-янги касалликларнинг келиб чикишига юрак-қон, рак каби касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо, экологик ҳуқуқбузарликлар учун жазо тайинлаш, тергов ва суд амалиёти бутунги кун талаби даражасида эмас.

Маълумки, атроф табиий мұхитга қарши содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун айборларни аниқлаш ва юридик жавобгарликка тортиш бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга қараганда анча мушкул ҳисобланади.

Бунинг сабаби табиатга қарши содир этилган гайри қонуний хатти-харакатнинг таъсири, оқибати аста-секин намоён бўлиши ҳамда етказилган заарни салбий оқибатини аниқлашнинг анча қийинлигидадир. Масалан, Орол денгизи ҳалокати, Сарисиё фожиасини экологик ҳуқуқбузарликлар содир қилиниши натижасида келиб чиққан дейиш мумкин.

Ўзбекистон Давлатининг атроф табиий мұхитни соғломлаштириш чоратадбирлари бўйича амалга ошираётган ишларига қарамасдан экологик муносабатлар ҳали ҳам табиат ва жамият учун номутаносиб даражада ривожланиши давом эттироқда.

Буни биз, биринчидан, табиатдан фойдаланишда соҳавий ёндошишни, яъни ҳар бир ташкилот фақат ўз манфаатини устун қўйиб табиий ресурслардан фойдаланиши ва иккичидан, табиатга фақат ресурс сифатида қарашини, яъни табиатдан фойдаланиш биринчи даражали, уни ҳимоя қилиш эса иккинчи даражали сифатда қарашда кўрамиз.

Экологик ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ҳамда уларни лдини олишда юридик жавобгарлик жазо чораларини амалиётда түғри қўллаш, бу ишда теров ва суд амалиётини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг икки чақириқ олтинчи сессиясидаги “Адолат – қонун устуворлиги” маъruzасида таъкидлаганидек, ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Жиноят қонунчилигига Иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Демак, экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик жазо чоралари самардорлигини ошириш, амалиётда унга түғри баҳо бериш, шунингдек уларни тергов ва суд органлари фаолиятида қўллаш даражасини янада такомиллаштириш тўғрисида жиддий мулоҳаза қилиш бугунги кундаги асосий вазифалардан биридир.

Экология қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий тушунчасида келиб чиқади ёхуд ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий назариясини ўрганиш экологик ҳуқуқ бузарликлар учун юридик жавобгарлик тушунчасини очиб беришга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш керакки, юридик жавобгарликнинг умумий масалалари етарли даражада тадқиқат предмети бўлган. Аввало шуни таъкидлаш зарурки, “Жавобгарлик” термини турли хил мақсадларда қўлланилади.

Бу ўринда “Ижтимоий жавобгарлик”, “иқтисодий жавобгарлик”, ва “Ҳуқуқий жавобгарлик” ҳақида сўз юритилмоқда уларнинг ичидаги “ижтимоий жавобгарлик” тушунчасининг кенг маънода қўлланиши диққатга сазовардир. У умумлашган характерга эга бўлиб, жамиятдаги барча жавобгарлик турларин ӯз таркибиға қамраб олади. Демак, иқтисодий, ахлоқий ва ҳуқуқий жавобгарлик унинг шакллари ҳисобланади. Умуман олганда, ҳуқуқшунослик илмида “ҳуқуқий жавобгарлик” тушунчасига муносабатда мунозарали фикрлар мавжуд бўлиб, уларни кузатганимизда икки хил фикр мавжудлигини кўрамиз. Биринчи ёндашув тарафдорлари ҳуқуқий жавобгарликни фақат ғайриқонунний ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан кўриладиган жазо, юридик нормаларнинг санкцияларини қўлаш билан боғласа (ретроспектив жавобгарлик), иккинчи гуруҳдагилар эса, юридик жавобгарлик вужудга келишида мажбуриятларининг мавжудлиги (позитив) жавобгарлик ва уларни бажармаган тақдирда санкциялар қўллаш билан боғлиқлиги (ретроспектив жавобгарлик) деган мулоҳазаларни илгари сурадилар. Н.С.Малеин ушбу дунёқарашлардаги билдирилган фикрларни таҳлил қиласкан, уларни таърифлашда атамашунослик жиҳатидан кўпгина хатоларга йўл қўйилганлиги ва турли категорияларни асоссиз бирлаштириш юз берганлигини уқтиради. Шунингдек, у “агарда кўп аспектли тушунчани таърифлаш зарурияти келиб чиқса, унда бу йўналашдаги илмий изланишлар фақат атамашуносликка ёки турли ҳодисаларни

“текислашга” қаратилған бўлмаслиги кераклигини” таъкидлайди. Е.А.Лукашева ахлоқий ва хуқукий жавобгарлик турларининг шакилланиш хусусиятларидағи фактларни мутлоқ равишда қараш маъқул эмас, чунки улар орқали ахлоқ ва хуқуқ бирлигидаги ўзига хос қонуниятлар аниқланишга олиб келинади, деган фикрни ўртага ташлайди. В.А.Тарховнинг “Хуқуқий жавобгарлик, бу-хуқуқ билан тартибга солинадиган ўз ҳаракатлари тўғрисидаги ҳисбот бермоқ мажбуриятидир”, деб билдирган хulosаси эса, унга ижтимоий Психологик характер бағишлийди. Б.В.Ерофеевнинг фикрига кўра, юридик жавобгарлик, бу-хуқуқ нормасини бузилганлик санкциясига кўра хукуқбузарлик содир этилганлиги учун қўлланиладиган шахсий ёки моддий характердаги маҳрум этиш мажбуриятидир. Хуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий-тақиқотларида хуқуқий жавобгарликнинг белгиларига атрофлига тўхталиб, тадқиқ, қилганлар, улар юзасидан тегишли мулоҳазалар билдирганлар.

В.П.Грибанов уларни тўртга бўлган ҳолда изоҳлайди:

1.Хуқуқий жавобгарлик хуқуқ нормаларини бузувчиларга нисбатан Давлат мажбурий таъсир этишининг шаклларидан ҳисбланади;

2.Хуқуқий жавобгарлик қонун бузишни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади;

3.Хуқуқий жавобгарлик унга ваколатли бўлган Давлат органлари томонидан қўлланилади;

4.У қонунбузарларга нисбатан хуқуқий жавобгарликнинг чораларидан бўлиб, қонунда назарда тутилган санкцияларни қўллашдан иборат.

Шунингдек, у оператив таъсир чоралари, превентив (олдини оловчи) ва регулятор ҳаракатердаги давлат мажбурий чораларини хуқукий жавобгарлик билан таққослаб бўлмайди, чунки улар юқорида таъқидланган белгиларга жавоб бермайдилар, деб муносабат билдиради. Н.С.Малеин эса уларни ажратиб, (давлат томонидан мажбур қилиш қонунбузарлик учун ноқулай оқибатларнинг мавжудлиги), у санкциялар ва жавобгарлик чоралари тушунчаларини айнан бир деб ҳисблайдиган муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларини хато, деб баҳолайди.

В.М.Зойдзе В.А.Тарховнинг “Жавобгарлик хуқуқий табиатига кўра давлатнинг мажбур қилиши билан эмас, балки хуқуқий тартибга солиш билан белгиланади”, деган фикрга ҳам танқидий ёндошиб, у қуйидагича ёзади: “Хуқуқнинг моҳияти шундан иборатки, у давлатнинг мажбур қилишида қўлланилади, чунки хуқуқ давлат билан диалектик боғлиқдир ва давлат ўз навбатида мажбур қилиш органи ҳисбланади”. Олимларнинг юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалари асосида қуйидаги хulosаларга келиш мумкин биринчидан, хуқуқий жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури сифатида намоён бўлади, шаклланиб ва такомиллашиб боради.

Шунингдек, хуқуқий жавобгарлик давлат мажбурлов таъсирининг шаклларидан ёки турларидан бири ҳисбланади. Ўнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Маълумки

ахлоқ ҳуқук билан узвий боғланган ва у (ахлоқ) жамиятдаги әзгулик ва мажбуриятга, ор-номус, виждон ва бошқаларга нисбатан бўлган хулқ-автор қоидалари ва тамойиллари тизимдан иборатdir. Шунингдек, ахлоқ нормалари ёзма равишда қайд этилмайди ва у давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланмайди, аммо айни пайтда ахлоқ нормаларини бузганлик учун шахс жамотчилик танбеҳига дучор қилинади.

Бинобарин, ахлоқий жавобгарликнинг ҳуқуқий жавобгарликдан фарқи шундан иборатки, ахлоқий жавобгарликда давлатнинг мажбурлов чораси татбиқ қилинмайди, аммо ноҳуш оқибатларининг мавжудлиги учун жамоатчилик танбеҳи қўлланилади. Демак, ҳуқуқий жавобгарлик жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар асосида вужуга келиб, унинг чоралари (санкцияллари) ҳуқуқий нормаларда белгиланиб қўйилади ва қўлланиб борилади.

Иккинчидан, ҳуқуқий жавобгарлик давлат томонидан мажбурлов чораси бўлиб, ҳуқуқнинг алоҳида институти ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқий жавобгарликни бошқа бир бурч ёхуд мажбурият, ёки ахлоқий тушунчалар (виждон, ор-номус ва ҳакозо) ҳисобланган категориялар билан аралаштиришгиддий хатодир. Чунки ҳар бир ҳуқуқий институт ёки категориянинг моҳияти, мазмuni ўзига хос хусусиятлари мавжуд ва улар ҳаммага маъқул бўлган тушунчалар, атамалар билан ифодаланиб борилиши керак. Шунинг учун ҳам биз ҳуқуқий жавобгарни позитив ва ретроспектив (негатив) жавобгарликга ажратиб кўрсатиш тўғрисидаги концепцияларга қўшила олмаймиз.

Чунки ҳуқуқий жавобгарлик давлатнинг содир этилган қонунбузарликка қаратилган мутлоқ ва бирдан-бир муносабати (реакцияси) ҳисобланади.

Учинчидан, ҳуқуқий жавобгарликнинг чоралари ҳуқуқий нормаларда белгилаб ва мустаҳкамлаб қўйилган бўлади ҳамда улар асосида қонунбузарга нисбатан қўлланилади. Маълумки ҳуқуқий норма ижтимоий норманинг бир туридир ва унинг асосий хусусиятларидан бири шуки, у давлат билан узвий боғлангандир. Шунингдек, ҳуқуқий норма қонунда ёки бошқа ҳуқуқий актда акс эттирлган бўлиши ва давлатнинг мажбураш воситаси билан таъминланиши керак. Шундай қилиб, норматив асосланганликнинг моҳиятини қўйидагича ифодалаш мумкин, яъни ҳуқуқий жавобгарликнинг чоралари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қонунбузарликка нисбатан татбиқ қилинади. Демак, назарий ва амалий жиҳатдан олиб караганда, ҳуқуқшунос олимлар томонидан кўтарилиган масалалар, фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти каттадир. Чунки жавобгарлик ҳақидаги қонунлар бозор шароитида мулкий ҳуқуқлар ва мулк эгаларидан қатъий назар, мулк даҳлсизлиги, тамонларнинг teng ҳуқуқлилиги, ноқонуний аралashiшига йўл қўймаслик, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва уларни суд орқали ҳимоя қилишининг барча учун ягона қоидаларини ўрнатиш ва таъминлаш каби тамойилларни ҳисобга олган ҳолда яратиши лозим.

Юқорида баён этилганлар юридик жавобгарликни анъанавий тарзда тушунишга содик қолиб, уни фақат содир этилган ҳукуқбузарлик билан боғлиқ ҳолдаги алоҳида ҳукуқий категория деб хисоблайдиган олимларнинг нуқтаи назарлари тўғри деб ҳисоблаш имконини беради. Бундай талқин қилиш юридик жавобгарликнинг моҳиятини аниқ қайд этиб ва тавсифлаб берар экан, уни ҳукуқнинг тўлиқ тизими билан биргаликда, ижтимоий тартибга солишнинг барча воситалари билан бирга қўшиб ўрганиб чиқиш учун тўскинлик қилмайди. Юридик жавобгарликни ретроспектив тушунишнинг бундан кам бўлмаган аҳамиятга молик афзаллиги шундаки, у ҳукуқий тартибга солишнинг бошқа воситаларидан фарқли ўлароқ юридик жавобгарликнинг ўзига хосликлари ва афзалликларига ўргу беради ҳамда ижтимоий самарадорлигини ошириш учун ҳукуқий жавобгарликнинг ўзига хос муаммоларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш имконини яратади.

ФОЙДАНАЛИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов.И.А Ўзбекистон буюк келажак сари Т.Ўзбекистон, 1999 й 505-бет, 507-508-бет.
2. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси материаллари 2001 й дело №7.
3. Халқ сўзи 2001 й 30-август.
4. Кудрявцев В.Н Право и поведение-м 1978 й
5. Малеин Н.С Правонарушение: понятие, причины, ответственность-М 1985 г
6. Фуломов М, Жўраев Й. Экология: жиноят ва жазо-Т Ўзбекистон, 1991 ва бошқалар.
7. Лукашева Е.А Право, мораль, личность. М:Наука 1986 й.
8. Ерофеев Б.В Экологическое право России. М:юристъ,1996 г
9. Назаров Б.А Социалистическое право в системе социальных связей 1976 г.
10. Тархов В.А ответственность по гражданскому праву Саратов: Изд-во Саратовского университета 1973 й с-8-11, с-21.
11. Грибанов В.М ответственность за нарушение гражданских прав и обязанностей-м 1973 с-38-39.
12. Зойдзе Л.И Понятия гражданско-правовой ответственности. Актуальные проблемы советского права Тбилиси: Мециериба 1988 й с-150.
13. Дубовник О.Л механизм действия права в охране окружающей среды М: Наука 1984 й.
14. Денисов Ю.А общая теория правонарушения и ответственности-Л. Изд-во ЛГУ, 1983 й